Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 июнь 1972 йил, пайшанба ◆ № 139 (15.310). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР БИЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

13 июнь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний раислик қилди.

Президиум СССР билан Ироқ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. СССР Олий Совети палаталарининг ташқи ишлар комиссиялари СССР Олий Совети Президиуми томонидан хулоса чиқариб бериш учун ўзларига топширилган бу Шартномани кўриб чиқиб, СССР Олий Совети Президиумига уни ратификация қилишни тавсия этди.

Совет ҳукумати номидан шу масала юзасидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов нутқ сўзлади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган ҳамда СССР ҳукумати сизларнинг муҳокамангизга тақдим этган Шартнома — бизнинг Ироқ билан ва умуман араблар дунёси билан ҳам ўзаро муносабатларимиз тарихидаги катта воқеадир, деди у.

Бу Шартноманинг энг асосий аҳамияти шундан иборатки, Совет Иттифоқи билан Ироқ ҳалқаро — ҳуқуқ тартибида мустаҳкамланган тантанали мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Бу мажбуриятлар ўзаро муносабатларни бузилмас дўстлик руҳида олиб боришдан ва иккала давлатнинг манфаатлари йўлида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдан, империализм ва мустамлакачиликка қарши, ҳалқларнинг озодлиги ва социал тараққиёти учун курашдаги куч-ғайратларни бирлаштиришдан иборат.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, Ироқ билан тузилган Шартнома — КПСС XXIV съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев баён этиб берган тинчлик, миллий озодлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба бериш программаси изчиллик билан самарали равишда амалга оширилаётганлигининг катта ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган янги ҳужжатда ифодаланган далилидир.

Ташқи ишлар комиссиялари номидан Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус нутқ сўзлади.

Музокараларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев бошлаб берди. Партия XXIV съезди ишлаб чиққан ва КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларида принципиал равишда ривожлантирилган ташқи сиёсатдаги тинчлик программаси ғоят юксак самарадор бўлиб чиқаётганлигига биз ҳаммамиз яна ишонч ҳосил қилмоқдамиз, деди нотиқ.

Ўзининг тинчликсевар сиёсатини изчиллик билан ўтказаётган Совет Иттифоқи туб ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш учун, империализм ва агрессияга қарши, уруш ва ҳалқаро кескинлик ўчоқларини тугатиш учун курашаётган араб ҳалқларининг содиқ дўсти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бизнинг Ироқ Республикаси билан муносабатларимиз бунинг яққол далилидир. Шартнома совет ва Ироқ ҳалқларининг манфаатлари, уларнинг қалин дўст бўлиб яшаш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун қилаётган актив интилиши умумий эканлигини тасдиқлайди.

Президиум мажлисида Иркутск область Тайшет районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Г. С. Орлова, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, Москва область партия комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг сўзга чиққан ҳамма аъзолари комиссияларнинг Шартнома юзасидан чиқариб берган хулосасига рози эканликларини билдириб, уни ратификация қилишни таклиф этдилар.

Муҳокамага Н. В. Подгорний якун ясади. У бундай деди:

— Бундан тахминан бир йил муқаддам СССР Олий Советининг Президиуми дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Миср Шартномасини маъқуллаган эди, ҳозирги вақтда эса биз дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ироқ Шартномасини ратификация қилиш масаласини муҳокама қилаётирмиз.

Бу Шартномалар, шунингдек ўтган йил августида тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ҳиндистон Шартномаси жаҳон социализмининг империалистик агрессия ва жабр-зулм сиёсатига қарши, мустамлакачилик оқибатларини тугатиш учун, ҳалқларнинг социал тараққиёт йўлидан эркин ривожланиши учун курашаётган миллий-озодлик кучлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганлигининг, ҳамжиҳатлиги кенгаяётганлигининг янги амалий ифодасидир. Миллий-озодлик ҳаракати кучлари билан, ривожланаётган давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш — Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатининг энг асосий йўлларидан биридир. Бу ҳол партиямиз XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларида яна бир марта тасдиқланди.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари мажлисида, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар Совет — Ироқ Шартномасининг муҳим аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, бу Шартнома иккала мамлакатимиз ўртасида самимий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлигининг мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий негизи бўлиб колади, деб ҳақли равишда ўқтириб ўтдилар. Шартнома сиёсий, иктисодий, савдо-сотиқ, фан-техника, маданият ва бошқа сохаларда Совет — Ироқ муносабатларини янада кенгайтириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади. Шу тарика Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни янги, янада юксак босқичга кўтариш учун зарур шарт-шароит вужудга келади.

Совет — Ироқ Шартномаси ўзга мамлакатларга қарши қаратилмаганлигини, уларнинг қонуний ҳуқуқларига ва манфаатларига зарар етказмаслигини таъкидлаш муҳимдир. Аксинча, Шартномада бошқа мамлакатлар ва ҳалқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган қоидалар баён этилган. Иккала томоннинг бутун дунёда бундан буён ҳам тинчлик учун, ҳалқаро кескинликни юмшатиш, ялпи ва ёппасига қуролсизланишга эришиш учун, империализм ва сионизмга қарши, эски ва янги мустамлакачиликни, ирқчилик ва апартеидни батамом, узил-кесил ва ҳеч сўзсиз тугатиш учун муттасил кураш олиб бориш тўғрисидаги мажбуриятлари ана шу қоидалар қаторига киради. Томонларнинг ҳалқлар суверенитети, озодлиги, мустақиллиги ва социал тараққиёти учун улар олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлашда бир-бирлари билан, шунингдек бошқа тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги мажбуриятлари ҳам шу жумлага киради.

Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни, шу жумладан, Шартнома асосидаги ҳамкорликни ҳам ривожлантириш, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар билан алоқаларни кенгайтириш илгор Араб давлатларига сиёсий позицияларни кучайтиришга, миллий экономикани мустаҳкамлашга, ўзларининг мудофаа қобилиятини оширишга ёрдам бермоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси Исроил агрессияси окибатларини тугатиш учун, Яқин Шарқдаги аҳволни одилона бартараф этишга эришиш учун, тинчлик ва ҳалқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган кураш манфаатларига хизмат қилади, албатта.

Совет — Ироқ Шартномаси тузилганлиги ҳалқаро миқёсда ижобий баҳоланди. Шартномани Совет Иттифоқи ва Ироқ ҳалқлари маъқулладдилар. Чунки у ҳалқларнинг манфаатларига тўла-тўкис мос келади. Ҳалқларнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва социал тараққиёти ишини қадрлайдиган ҳамма кишилар Шартномани табрикламоқдалар.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ироқ ўртасида тузилган Шартномани Ироқ Республикаси революцион қўмондонлигининг Кенгаши ратификация қилганлиги бу ерда маълум қилинди.

Н. В. Подгорний Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида СССР Олий Совети Президиуми Фармонининг лойиҳасини ўқиб эшиттиради.

Фармон бир овоздан қабул қилинади.

Н. В. Подгорний Фармонни ва ратификация ёрлиғини имзолайди.

* * *

Президиум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР халқ контроли комитетининг раиси Г. И. Воронов нинг ПХР сейми таклифига биноан СССР Олий Совети делегацияси шу йил май ойида расмий визит билан Польша Халқ Республикасига сафар қилганлиги тўғрисидаги ахборотни тинглади.

Президиум аъзолари Г. И. Воронов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг фаолиятини маъқулладилар.

Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси К. М. Герасимов саноатдаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тўғрисидаги масала план-бюджет комиссияларида ва саноат комиссияларида кўриб чиқилганлиги натижалари тўғрисида СССР Олий Совети Президиумига ахборот берди.

СССР Олий Совети Президиуми бу ахборотни инобатга олди. Саноатдаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тўғрисидаги масала юзасидан палаталар доимий комиссияларининг таклифлари ва материаллари СССР Министрлар Советига юборилди. (ТАСС).

Андижон область Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида арпа ўрими қизғин бормоқда. Суратда: колхознинг илғор комбайнчиси Абдулла Турсунов янги арпа хосилини ҳирмонга тўкмоқда.

Д. Рўзметов фотоси.

ЯНГИ ҲОСИЛ

Тошкент областидаги сабзавотчилик хўжаликлари эртанги картошка ҳосилини ялпи йиғиштириб олишга киришдилар. Калинин районидаги Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозлари, «Назарбек», «Партия XXI съезди» совхозларининг меҳнатчилари ҳар гектар ердан 12-14 тоннадан картошка кавлаб олмоқдалар. Кўпгина хўжаликлар бу йил картошканинг Украина ва Белоруссиядан келтирилган «Курганский» ва «Искра» янги навларини етиштирмоқдалар.

Пойтахт областида эртанги картошка етиштириш учун қарийб икки минг гектар ер ажратилган. (ЎзТАГ).

Пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Қорақалпоғистон Автоном республикаси (область партия комитетининг секретари **Қ. Камолов**, Министрлар Советининг раиси **Е. Айтмуратов**, область комсомол комитетининг секретари **Т. Ешимбетова**, пиллачилик бўйича Қорақалпоғистон конторасининг бошлиғи **С. Холбоев**).

Охунбобоев райони (район партия комитетининг секретари **Д. Султонов**, район ижроия комитетининг раиси **Н. Қаюмов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Қосимов**, бош пилла сушилкасининг директори **Ҳ. Нурматов**).

Олтиариқ райони (район партия комитетининг секретари **Т. Мирзаматов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Маматхонов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Давронова**, бош пилла сушилкасининг директори **Ф. Йўлдошев**).

Москва райони (район партия комитетининг секретари **О. Отажонов**, район ижроия комитетининг раиси **Ж. Бадалов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Янгибоев**, бош пилла сушилкасининг директори **М. Тўраев**).

Қўрғонтепа райони (район партия комитетининг секретари **А. Исмоилов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Мамажонов**, район комсомол комитетининг секретари **Р. Бўрибоев**, бош пилла сушилкасининг директори **Н. Целовальникова**).

Избоскан райони (район партия комитетининг секретари **У. Саримсоқов**, район ижроия комитетининг раиси **О. Комилов**, район комсомол комитетининг секретари **К. Исмоилов**, бош пилла сушилкасининг директори **Э. Йўлдошев**).

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Тошкент областининг пиллачилари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Давлатга 1550 тонна—пландагидан 170 тонна кўп пилла топширилди.

Пилла сотиш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

А. Н. КОСИГИН БИРМА САВДО МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Совет—Бирма савдо музокаралари муносабати билан Москвага келган Бирма революцион кенгашининг ва Бирма социалистик программаси партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, Бирма иттифоқининг савдо министри доктор Маунг Лвинни 13 июнь куни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Кремлда қабул қилди.

Дўстона суҳбат вақтида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир бир қанча масалалар, шу жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари тўғрисида гаплашиб олинди.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

14 июнда Тошкент область ва шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. «Ҳалқаро аҳвол тўғрисида»ги масала юзасидан КПСС Марказий Комитети 1972 йил май Пленумининг якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Бекобод цемент комбинатининг машинисти З. Мусаев, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бригадири Э. Алиев, «Чарвак ГЭСстрой» партия комитетининг секретари В. Н. Дрижак, Тошкент 1- уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири И. Х. Орипов, Киров район партия комитетининг биринчи секретари Г. Қ. Ҳайдарова, «Электроаппарат» Ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Ф. Фетисов, Тошкентдаги 157-мактабнинг ўқитувчиси Г. Х. Умарова сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев изчиллик билан амалга ошираётган ленинча доно йўлни Тошкент области ва шаҳрининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. (ЎзТАГ).

* * *

ТЕРМИЗ, 13 июнь. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё область партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда «Ҳалқаро аҳвол тўғрисида»ги масала юзасидан КПСС Марказий Комитети 1972 йил май Пленумининг якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Н. Муродов, «Янгиобод» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи С. Продан, касаба союзлари область Советининг раиси Г. Мўминов, Термиз шаҳар саноат комбинатининг тикувчиси Х. Эминова ва бошқалар сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг халқаро кескинликни юмшатишга, тинчлик ишини ва ҳалқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини астойдил маъқуллаганликларини билдирдилар.

Қабул қилинган резолюцияда йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаганлар. Бу сиёсат КПСС XXIV съезди қарорларига мос тарзда ўтказилиб, совет халқининг, ер юзидаги барча тинчликсевар ҳалқларнинг манфаатларига жавоб беради.

ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС делегациясининг Жазоирда бўлиши тўғрисида

Миллий озодлик Фронти партиясининг таклифига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси 1972 йил 5 июндан 13 июнгача Жазоир Халқ Демократик Республикасида бўлди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилди.

Бу визит тамом бўлиши билан қабул қилинган Совет — Жазоир қўшма ахборотида бундай дейилади: КПСС делегацияси Жазоир халкининг 1965 йил 19 июндаги революцион ўзгариш пайтидан буён миллий озодлик Фронти партияси раҳбарлигида турли соҳаларда кўраётган тадбирлари билан қизиқиб танишди.

КПСС делегацияси Жазоир саноатини вужудга келтириш соҳасида эришилган муваффақиятларга юксак баҳо берди. Делегация Ал-Ҳожардаги йирик металлургия комплексини бориб кўрди. Делегация бу ерда Жазоир делегацияси ва маҳаллий маъмурлар билан биргаликда Жазоир билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона ва амалий ҳамкорликнинг катта натижаларга эришганлигини мамнуният билан қайд қилди.

КПСС делегацияси ҳамма жойда самимий ва дўстона қабул қилинди.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг раиси, Министрлар Советининг раиси Хуари Бумиддин КПСС делегациясини кабул килди. Делегация унга Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқларнинг самимий ва дўстона саломини топширди.

СССР делегацияси билан Революцион кенгаш аъзоси, миллий озодлик Фронти партияси аппаратининг масъул ходими Аҳмад Қанд бошчилигидаги миллий озодлик Фронти партияси делегацияси ўртасида музокаралар олиб борилди.

Ахборотда бундай дейилади: КПСС делегацияси ана шу музокаралар давомида Совет Иттифоки Коммунистик партияси фаолиятининг асосий принциплари ҳақида, КПССнинг СССРда илмий социализм принципларига мувофиқ социализмни барпо этиш соҳасидаги тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди. Делегация совет коммунистларининг, бутун совет халқининг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти билан, съезд белгилаб берган тинчлик программасини амалга ошириш ва ҳалқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги, империализмга ва мустамлакачиликка қарши кураш соҳасидаги амалий тадбирлари билан Жазоир делегациясини таништирди. Совет вакиллари КПССнинг ривожланиб бораётган мамлакатлардаги революцион-демократик партиялар билан ҳамкорлиги тўғрисида сўзлаб бердилар.

Миллий озодлик Фронти партияси делегацияси Жазоир революциясининг миллий озодлик Фронти рахбарлигида миллий мустакилликни мустаҳкамлаш ва социалистик жамият қуриш учун курашдаги асосий принципларини таъкидлаб ўтди. Жазоир делегацияси миллий озодлик Фронти партияси, унинг оммавий ташкилотлари ва бутун Жазоир халкининг иқтисодий ва социал тараққиёт тўрт йиллик планини бажариш, саноат, аграр ва маданий революцияни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Миллий озодлик Фронтининг делегацияси таъкидлаб ўтганидек, Жазоир революциясининг жаҳондаги миллий ва социал озодлик йўлидаги ҳар қандай адолатли курашни қўллаб-қувватлаётганлиги ва бу кураш билан бирдам эканлиги империализмга, сионизм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган революцион кучларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ахборотда яна бундай дейилади: миллий озоддик Фронти делегацияси СССРнинг коммунистик қурилишдаги, умумий тинчлик ва ҳалқаро хавфсизлик учун курашдаги муваффақиятларига юксак баҳо берди. КПСС делегацияси Жазоир ҳалқининг чет эл монополияларига қарши, миллий мустақиллики мустаҳкамлаш, иқтисодий озодлик учун олиб бораётган курашида қўлга киритган катта муваффақиятларига юксак баҳо берди.

Қўшма ахборотда айтиладики, музокараларнинг қатнашчилари Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасида ўзаро ишончга, мустақиллик, ҳуқуқий тенглик принципларини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принципларини ҳурмат қилишга асосланган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларидан мамнун эканликларини изҳор килдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан миллий озодлик Фронти ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор берилди.

КПСС ва миллий озодлик Фронти партияси делегациялари ҳар иккала партия ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ривожлантириш тўғрисида бир карорга келишди.

Томонлар барча тараққиёт ва тинчлик кучлари билан биргаликда империализмнинг ҳар қандай формаларига қарши, сионизм, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, ҳалқларнинг озодлига ва мустақиллиги учун, ҳалқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда мустаҳкам ҳамда адолатли тинчлик ўрнатиш учун кураш олиб боришга қатъий бел боғлаганликларини изҳор киладилар.

Ҳалқаро аҳвол проблемалари юзасидан фикрлашиб олиш вақтида томонлар жаҳоннинг ҳозирги тараққиёти ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкаси ҳалқларининг империализмга қарши курашига доир асосий масалаларга КПСС ва миллий озодлик Фронтининг нуқтаи-назари бир хил эканлигини қайд қилдилар.

Томонлар Европадаги аҳвол масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар ва умумий тинчликни сақлаш мақсадида ер куррасининг шу қисмида хавфхатарнинг бўлмаслиги жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ахборотда яна бундай дейилади: ҳар иккй томон Яқин Шарқдаги вазиятни қараб чиқиб, ўз территорияларини қайтариб олиш учун ва 1967 йил июнь ойида қилинган агрессиянинг оқибатларини тугатиш учун кураш олиб бораётган араб ҳалкларини қўллаб-қувватлаётганлигини билдиради.

Делегациялар Фаластиндаги араб ҳалқининг ўз қонуний ва миллий ҳуқуқларини тиклаш йўлидаги ҳаққоний курашини амалий қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қиладилар.

Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳвол қараб чиқилган пайтда томонлар Хинди-Хитой ватанпарварларининг миллий мустақиллик йўлидаги ҳаққоний озодлик курашини табрикладилар. Қўшма ахборотда айтиладики, америкалик агрессорлар ва уларнинг иттифоқчиларига карашли қўшинлар дархол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилган хамда Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Муваққат революцион хукумати илгари сурган ижобий таклифлар кабул қилинган тақдирдагина бу районда тинчликни тиклаш мумкин.

Ҳар икки томон Гвинея (БИСАУ), Ангола, Мозамбик, Намибия, Зимбабве ва Жанубий Африка ҳалқларининг миллий озодлик кураши билан чинакам бирдам эканликларини яна бир марта таъкидлади.

Жазоир делегацияси Совет Иттифоқи Вьетнам ҳалқининг империалистик агрессияга қарши олиб бораётган курашига бераётган ёрдамига, шунингдек араб ҳалклари ва бошқа ҳалқларнинг миллий озодлик учун ҳамда ўзларининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун олиб бораётган ҳаққоний курашига кўрсатаётган мададига юксак баҳо берди.

Совет томони Жазоирнинг Африка, Яқин Шарк ва Осиё ҳалқларининг озодлик йўлидаги ҳаракатларини, уларнинг ўз ҳуқуқлари учун ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганлигига юксак баҳо берди.

Ахборотнинг охирида бундай дейилади: КПСС делегацияси самимий, меҳмондўстлик билан кутиб олганликлари учун миллий озодлик Фронти партиясига ва Жазоир халкига ташаккур изҳор қилди ва Жазоир миллий озодлик Фронти партияси делегациясини Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан кабул килинди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси Жазоир Халқ Демократик Республикасига килган сафаридан 13 июнда Москвага кайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари Б. В. Попов, КПСС Брянск область комитетининг секретари В. А. Смирнов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими секторининг мудири В. П. Румянцев бор эди.

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

* Ғалла ўрими—назоратчилар оталиғида
* Кун тартибида—озодалик
* Металл парчаларини тўплаш ойлиги * Халқ контроли комитетларидан хабарлар * Панд еган директор * Мол ўрнига пул

Ғаллакорларимиз бу йил 70 минг тонна дон етиштириш мажбуриятини олганлар. Бепоён далаларда дон пишиб етилди. Эрта-индин ўрим бошланади. Қишлоқ меҳнаткашлари ғалла ўримйиғимини 12-18 иш кунида тугаллаш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Ҳозир ҳар бир қишлоқ меҳнатчисининг ғайрат-шижоати ана шу муҳим вазифани вақтида, муваффақиятли уддаланишига қаратилган.

Район халқ контроли комитети активи, халқ контроли группаларида ва постларининг аъзолари ҳам етиштирилган мўл ҳосил тақдирини ҳал қилинаётган ғаллазорларга сафарбар этилган. Юзлаб халқ назоратчилари ўрим-йиғимга тайёргарликнинг боришини қаттиқ контроль қилиб бораётирлар. Тракторлар, комбайнлар, автотранспорт воситаларини сифатли ремонт қилиш, хўжаликларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан етарли миқдорда таъминлаш уларнинг диққат марказида бўляпти. Рейд бригадаларининг аъзолари механизатор кадрларнинг жой-жойига қўйилишини, уларга нормал маданий-маиший шароит яратиб беришнинг аҳволини чуқур ўргандилар. Текшириш пайтида хато ва камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди ва амалга оширилди.

Ўрим-йиғимнинг муваффақиятли ўтказилиши техниканинг тахт этилишига боғлиқ. Бу муҳим иш назоратчилар эътиборида. Ҳозир районда 302 комбайн дон ўримига тахт этиб қўйилган. «Ударних»

ОЛТИН БОШОҚ

ва «2-Зомин» совхозларида эса хўжалик раҳбарларининг айби билан запас қисмлар вақтида етказиб берилмаётгани сабабли бу иш бироз кечикяпти.

Райондаги баъзи хўжаликларда жатка, оғма камералар ва комбайнларнинг ларраклари етишмайди. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси хўжаликларни зарур запас қисмлар билан таъминлашда етарли ғамхўрлик қилмаётир.

Механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ҳам халқ назоратчиларининг диққат-марказида турибди. Бу йил район совхозларида 68 киши комбайнчилар тайёрлаш курсларида ўқиди. Ўрта мактабларни тугаллаган 150 дан ортиқ ёшлар мавсумда комбайнчиларнинг ёрдамчилари бўлиб ишлашди. Механизаторлар орасида мавсумда 600-700 гектар майдондаги ғаллани ўриш мажбуриятини олганлар кўп. «Ударник» совхозидан А. Ғаффоров Б. Абдуллаев, «1-Зомин» совхозидан Т. Бобоёров ўртоқлар ана шулар жумласидандир. Улар юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ва ғаллани нобуд қилмай саранжом-саришталаш мажбуриятини олишган. Халқ назоратчилари ғалла хирмонлари, омборлар, дон тозалайдиган машиналар, қабул пунктларига олиб борадиган йўллар ҳамда транспортларни вақтида тайёрлашни ҳам назорат остига олганлар.

Ғаллани нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш—муҳим вазифа. Биз ҳар бир хирмон, йўл ва қабул пунктларида донни нобуд қилмасдан ташишга эришиш мақсадида назоратчилар ажратганмиз. 31 жойда муваққат контроль постлари ташкил этилди. Халқ контроли комитетининг аъзолари, штатсиз бўлимларнинг мудирлари ва инспекторлари халқ контроли группаларига бириктирилди. Ҳар бир халқ назоратчиси ўзининг белгиланган иш участкасига эга. Уларнинг ташаббуси билан хўжаликларда кўчма ремонт устахоналари ташкил этилди. Бу устахоналар бузилган комбайнларни даланинг ўзида ремонт қилади, техника ёрдами кўрсатади.

Ҳар бир хўжаликда ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Назоратчилар ана шу тадбирларнинг бажарилишини текшириб борадилар. Улар «камчиликни сездингми, уни тузатишга ёрдам бер», деган шиор остида ишлайдилар. Ўрим-йиғим даврида маданий-маиший хизмат ҳам халқ назоратчиларининг диққат марказида бўлади. Улар далада ишлаётган кишиларга унумли меҳнат қилишлари ва яхши хордиқ чиқаришлари учун зарур шароит яратиб беришга эришадилар.

У. АБДУАЛИМОВ,
Зомин район халқ контроли комитетининг раиси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

НУКУС

«Узглавтара»нинг Хўжайли ёғоч савдоси базаси директори А. Холбоев «Иркутсклес» комбинатининг материал-техника таъминоти базаси директори билан ўзаро шартнома тузди. Бу шартномага асосан комбинат Хўжайли ёғоч савдоси базасига ажратилган фонддан ташқари 2000 — 2500 куб метр ёғоч етказиб бериш, ёғоч савдоси базаси эса ўз навбатида комбинатга автомобиль ва тракторларнинг запас қисмлари ва агрегатларини етказиб бериш мажбуриятини олди.

Ёғоч савдоси базасида запас қисмлар бўлмагани учун Холбоев Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Узсельавтотрести»га қарашли Нукус шаҳридаги 29- автобаза директори Хўжаев ва «Узсельхозтехника»нинг Нукус шаҳридаги районлараро запас қисмлар базасининг директори Шишенков билан ўзаро келишиб олди. Шишенков ҳеч қандай лимитсиз 29- автобазага 20416 сўмлик запас қисмлар ва агрегатлар ажратишга буйруқ берди. Ву запас қисмлар аввал Хўжайли ёғоч савдоси базасига ва у ердан «Иркутсклес» комбинати адресига жўнатилди.

Қорақалпоғистон АССР халқ контроли комитети қонунга хилоф тарзда республикадан ташқарига камёб запас қисмлар ва агрегатлар жўнатгани ва моддий масъулиятли ходимлар иши устидан назорат ўрнатмагани учун Хўжайли ёғоч савдоси базаси директори А. Холбоевни, «Узсельавтотрести»га қарашли 29- автобаза директори М. Хўжаевни хизмат вазифасидан бўшатди. Нукус районлараро запас қисмлар базаси директори Е. Шишенковга қаттиқ виговор эълон қилди.

ФАРҒОНА

Фарғона сув хўжалиги қурилиши трести янги ерлар очиш ва уни экишга тайёрлашда сусткашлик қиляпти. Ўтган йили трест фойдаланишга топшириши лозим бўлган 5141 гектар майдоннинг 65 процентигина тайёрланди.

Қўриқ ерларни фойдаланишга топшириш плани фақат 36 процент бажарилди. Очилган қўриқ ерлар вақтида фойдаланишга берилмаётгани сабабли экин экилжай яроқсиз бўлиб қолаяпти. Масалан, Охунбобоев районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида 123 гектар майдоннинг 71 гектаригина уруғ экилди. Қолган 52 гектар ерни эса 3-қурилиш-монтаж бошқармаси уч йилдан бери қайта-қайта экишга тайёрламоқда. Шу йиллар давомида 54,7 минг сўм маблағ ортиқча сарфланди.

Область халқ контроли комитети Фарғона сув хўжалиги қурилиши трести ишидаги камчиликларни тугатиш тадбирларини ишлаб чиқди.

УРГАНЧ

Областдаги бир қатор колхоз ва совхозларнинг маъмурий бошқарув аппаратларида нормадан зиёд ходимлар бор. Ўтказилган текширишда 21 колхозда 98 киши бошқарув аппаратида штатдан ортиқча ишлаётгани ва уларга 148 минг сўм ҳақ тўланганги маълум бўлди. Урганч районидаги «Победа» ва Охунбобоев номли колхозларда штатдан ташқари ишлаётган 24 бригада бошлиғи ва табельчиларга 30 минг сўм иш ҳақи тўланган. Хива районидаги Энгельс номли колхозда 1103 гектар пахта майдони 17 та бригадага бўлинган. Бригадирлар сони нормадагидан кўп. Урганч районидаги Нариманов номли, Гурдан районидаги «Коммунизм», Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида икки-учтадан, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда эса тўртта ранс ўринбосарлари бор. Совхозларда ҳам аҳвол ана шундай.

Область халқ контроли комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси ва совхозлар трести раҳбарларига ишда йўл қўйилаётган камчиликларни дарҳол тугатиш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

ГУЛИСТОН

Фориш район матлубот союзи правлениесига қарашли ташкилотларда давлат маблағини ўзлаштириш фактлари содир бўлаётир. Матлубот союзи правлениеси планларни бажариш ва савдо маданиятини яхшилашга кам эътибор бермоқда. Бир қатор савдо ташкилотларида аҳоли учун энг зарур истеъмол буюмлари топилмайди. Икки ой давомида область матлубот союзининг савдо базасидан 400 килограмм колбаса, 21,4 тонна ўсимлик мойи, 38 тонна туз, 42 минг сўмлик ипак газлама ва бошқа маҳсулотлар кам олинган.

Сирдарё область халқ контроли комитети Фориш район матлубот союзи правлениесининг раиси Тоштемировни қаттиқ огоҳлантирди, область матлубот союзи правлениеси раиси Неъматов, Жиззах районлараро савдо базасининг директори Йўлдошев ўртоқларга камчиликларни тугатиш вазифасини топширди.

ТОШКЕНТ

Область халқ контроли комитети «Самарқанд» автостанцияси ва область пассажир ташиш автомобиль трестининг қониқарсиз ишлаётгани ҳақидаги аризани текширди. Аризада кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Дарҳақиқат, «Самарқанд» автостанциясида пассажирларга хизмат кўрсатиш паст даражада, графикка амал қилинмаётгани учун кишилар узоқ вақт автобус кутиб қолмоқдалар. Билет сотиш ва автобусларга пассажирлар чиқариш бир вақтда бажарилади. Ўтган кварталда бу ерда 14121 рейса автомашиналар чиқарилмади, квартал плани бажарилмай қолди.

Тошкент область халқ контроли комитети пассажирларга хизмат кўрсатишда хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун автостанция бошлиғи Грингауза виговор, контроль-нормативб бўлимининг бошлиғи Лейтманга қаттиқ виговор, трестнинг пассажир ташиш бўлими бошлиғи Заборцевга виговор эълон қилди.

Назоратчилар почтасидан

СУВ МУАММОСИ

Урганчдаги шина-ремонт заводида трактор ва автомашиналарнинг яроксиз бўлиб қолган шиналари ремонт қилинади. Завод маҳсулотига талаб жуда катта. Корхона коллективи колхоз ва совхозлар, транспорт ташкилотларининг эҳтиёжини эътиборга олиб, ишни узлуксиз давом эттиришга ҳаракат қиляпти.

Бироқ область «Водоканал» бошқармасининг айби билан баъзан заводда ишни тўхтатиб қўйишга мажбур бўляпмиз. Масалан, ўтган ойларда водопровод тармоқлари бузилгани ва сув оқмаганлиги сабабли корхона 168 соат бекиш туриб қолди. Корхона маъмурияти «Водоканал» бошқармасига бу ҳақда бир неча марта эътироз билдирди. Аммо бошқарма бошлиғи Қутлимуродов бу шикоят ва ариза-ларга амалий жавоб бермаётир. Водопровод тармоқлари ҳамон бузилиб турибди.

А. НУРМАТОВ,
Урганч шина-ремонт заводи халқ контроли группасининг раиси.

ПОЧТАЛЬОН ЙЎҚМИШ...

Бир неча йилдан бери Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон алоқа бўлими қониқарсиз ишлаётгани сабабли обуна бўлган газета ва журналларни вақтида ололмаяпмиз. Бу ҳақда Оржоникидзе район ижроия комитетига мурожаат қилдик. Бироқ аризамизга «Чора кўрилди, тадбир белгиланди» каби хатдан бошқа жавоб ололмадик. Аҳвол эса ҳамон аввалгидек. Май ойнинг ўзида беш кунгача алоқа бўлими бекилиб турди. 24 май куни район алоқа бўлимининг мудири Холиковни бу ерга таклиф қилиб, уйғониб ётган газета ва журналларимизни кўрсатганимизда, у: «Нима қилай, почтальон йўқ» деб кетиб қолди.

Алоқа бўлими яхши ишламаётгани сабабли газета ва журналларга обуна камайиб кетди. 300 га яқин киши ҳозир ҳам ёзилган бир-икки газета ва журналларини ололмай, овора бўлиб юришибди. Бундай аҳвол қачонгача давом этаркин!

М. ГУЛОМОВ,
Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг аъзоси

ТОШКЕНТДАГИ 1-нон заводида тайёрланган нон доим сифатли ва тотли бўлади. Корхона халқ контроли группаси маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор беряпти. Халқ назоратчилари тез-тез рейд ва текширишлар ўтказмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) халқ назоратчилари ҳамир қорувчи А. Солохова, смена мастери В. Назирова ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, халқ контроли группасининг раиси, оператор И. Воропаев нон сифатини кўздан кечиришяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД БОЙЛИК

ТАЛАБ ВА ЭЪТИРОЗ

Металл парчаларини тўплаш ва топшириш планининг муваффақиятли бажарилиши районимизга жойлашган ишлаб чиқариш техникасини комплектлаштириш бошқармасининг фаол ишлашига боғлиқдир. Халқ назоратчилари ўтказган текширишда бошқармада бу иш қониқарсиз бажарилаётгани аниқланди. Бошқарма айби билан колхоз ва совхозларда кўплаб темир-терсаклар тўпланиб қолган, ўтган беш ой давомида фақат 694 тонна металл топширилган, холос. Бошқарма ҳовлисида металл парчалари сочилиб ётибди. Назоратчилар темир-терсак орасидан 100 дона янги болт ва 20 баллон диск топиб олишди.

Бекобод металлургия заводи раҳбарларига ҳам эътирозимиз бор. Тўпланган темир-терсак шу заводга топширилади. Бироқ корхонада металл парчаларини кабул қилиб олиш нотўғри ташкил этилганлиги сабабли уларни вақтида топширолмаяпмиз. Темир-терсак ортган автомашиналар юкини топширолмай кайтиб келяпти.

У. ЖОНИҚУЛОВ,
«Пахтакор» райони халқ контроли комитетининг раиси.

Ҳажаб савдолар

ОШХОНА ВА ДИРЕКТОР

Ҳаммасига директорнинг силлиқ гапларига учиб, ийиб кетгани сабаб бўлди. Бўлмаса кимсан, Зомин районидаги 1. «Зомин» совхозининг директори Х. Анорбоевдек киши товламачининг қўлига тушармиди. Ўша кунни у хеч қачон унутмайди, унутолмайди ҳам...

— Ассалому алайкум! — эшик оҳиста очилди.

Директор ишга кўмилиб ўтирган жойидан бошини кўтарди. Остонада бутун вужуди таъзим-тавозига айланган барваста киши турарди. Танишдек туюлди. Қаерда кўрганикин-а уни? Бир зум ўйланиб қолди. Э-э. Маҳмуд ошпаз-ку! Директорнинг юзи ёришиб кетди.

— Келинг, келинг, хизмат?

— Ўзларининг паноҳларида совхознинг хизматини қилсам деган эдим...

— Яхши бўларди.

— Шу ерда битта ошхона очсам... Хизмата ва масаллиги мевдан, бино, ёқилги, идиш-товоқ совхоздан бўлса. Ширин-ширин таомлар тайёрлаб, кўпчиликнинг ҳожатини чиқарсам...

Бу ғаллар совхоз директори Х. Анорбоевга ёқиб кетди. Негаки, совхозда ошхона йўқ. Ана шу сабабли йиғилишларда уни кўп таниқид қилишган. Директор бош бухгалтер Холбой Бозорбоевга маслаҳат солиб кўрган эди, унга ҳам маъқул бўлди.

Шундан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Маҳмуд Исмоиловнинг ошхонаси кундан-кун гуллади. Ҳар куни 80-100 кишига шўрва ва палов пишириб, пул олайверди. Тушган пулни хоҳласа совхоз кассасига топшириб, хоҳламаса ўз киссасига ураверди. Яқинда директор хомчўт қилди. 17 ойда Маҳмуд Исмоилов совхозга 300 сўм тўлаб, 900 сўм маош олибди. Бунисн савдодан тушган чўтал пулдан бошқа. Энди директор Х. Анорбоевнинг боши қотган. М. Исмоиловни ишдан бўшатай деса ошхонани кўзи қиймайди, ошхонани ёпай деса Исмоиловга берган ваъдасидан қайтолмайди...

ШУДГОРДА ҚУЙРУҚ...

Ўгрининг ўгридан фарқи бўлади. Бири чўнтак кесса, бошқаси девор тешади. Жумаев эса унисини ҳам, бунисини ҳам қилмай, одамларнинг кўзини бақрайтириб пулини киссасига уради. Сихни ҳам, кабобни ҳам қўйдирмайди...

— Планингиз тўлмаётган экан, сизларга камёб моллар керак эмасми? — сўрайди у ўзи ишлаётган омборга келган магазин мудирларидан-

— Керак, қанақасидан бор? — ҳовлиқиб, хурсанд бўлиб сўрашади, мудирлар ҳам.

— Кўнглингиз хоҳлаганидан, дуҳоба дейсизми, атлас дейсизми..

— Бўпти беринг.

— Хўп соддасиз-да. Ахир, бизда ҳам бола-чақа бор. — хиринглайди И. Жумаев ва қўшиб қўяди. — Майли, планингизни бажариб бераман. Бироқ сиздан угина, биздан бугина. Мана, атласнинг фактураси, манави эса пули. Олиб бориб кассага топширавринг.

Харидоргир мол ўрнига фактура ва пул олган мудирлар ҳайрон.

— Вой содда одамлар-ей, — уларнинг орқасидан мамнун бўлиб илжайиб қолади омбор мудири. — Планингиз тўлганидан хурсанд бўлсангизчи.

Бир-икки марта уни ана шундай «ҳунар» кўрсатаётганида ушлаб, Денов шаҳар матлубот союзи правлениесининг раиси М. Қозоқов ва савдо мудири Х. Поёновларнинг ҳузурига олиб боришса ҳам фойдаси бўлмади. Аксинча ранс ҳам, савдо мудири ҳам Жумаевнинг бошини силаб:

— Бунга қарши чора кўришга ҳаммавақт ҳам улгурамиз. Аммо бизнинг бурчимиз — одамларни жазолаш эмас, тарбиялаш. Майли, кетаверинглар, Жумаевни ўзимиз тарбиялаб оламиз, — деб жавоб беришди. И. Жумаев эса правление раисининг кабинетидан чиқиб, яна магазин мудирларининг қулоғига шивирлашни давом эттирди: «харидорбоп моллар бор...» Шундай қилиб, у Денов шаҳридаги 13- магазин мудири Д. Аҳмедова 140 метр атлас, 35 метр дуҳоба ўрнига 997 сўм 76 тийин, 28- магазин мудири М. Очиловга ҳар хил камёб моллар ўрнига 1371 сўмни фактураси билан бериб юборди. 8 ва 14- магазинларнинг мудирлари Муллаев ва Норқуловлар ҳам мол ўрнига пул олишди.

Шунисн ажабланарлиги, И. Жумаев шунча молларни магазинга чиқармай пулни тўлаб, кимларгадир ошираётганини кўриб-билиб туришса ҳам матлубот жамияти правлениесининг раиси М. Қозоқов ва савдо мудири Х. Поёновлар унинг ёнини олишади, мушигини «пишт» дейишмайди. Шудгорга қуйруқ бекорга қўйилмаганидек, балки бунинг ҳам сири бордир.

Р. ТУРСУНОВ.

ТОЗАЛИККА НИМА ЕТСИН?!

«Совет Ўзбекистони» рейди

Тозалик — саломатлик гарови. Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг шаҳар ва районларида бу ишга алоҳида эътибор бериляпти. Кўчалар, майдонлар, ҳовлиларда шанбаликлар ўтказилиб, ҳамма ёқ озода сақланмоқда. Нукус шаҳридаги ремонт заводи, 12-қурилиш трести, тикувчилик фабрикаси, Хўжайлидаги нон маҳсулотлари комбинати ва бошқа бир қатор корхона ҳамда муассасаларнинг коллективлари ҳовли ва майдонларга дарахт кўчатлари, гуллар экишди. Автоном Республикада ободонлаштириш ва санитария ишларини яхшилаш учун ойликлар ўтказиляпти. Сўнгги ойликда айниқса тозалик соҳасида анчагина ибратли ишлар қилинди.

Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси ва Автоном республика халқ контроли комитети бу ерда тозаликни сақлаш ва санитария аҳволини текшириш мақсадида қўшма рейд ўтказдилар. Рейдда халқ назоратчилари, халқ контроли комитетларининг аъзолари, медицина ва санитария-эпидемиология станцияси ходимлари иштирок этдилар. Ўтказилган текширишда ибратли ишлар қайд қилинди, камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди. Рейд бригадаси аъзолари айниқса Хўжайли автостанциясидаги аҳволдан ранжидилар.

Бу автостанция Нукус, Қўнғирот, Урганч, тошқовузлик йўловчиларга хизмат қилади. Бу ерда эрта тонгдан кечгача одам аримайди. Аммо автостанциядаги аҳволни кўриб, ҳамма пассажирларнинг кўнгли хира бўлади. Автостанция саҳнида ахлатлар уюлиб ётибди. Автобусларга чиқиб бўлмайди. Ўриндиқларда бир энлик чанг. Автобаза директори В. Кан ўзаро суҳбатда «Бизга план керак, бошқаси иккинчи даражали иш», деди.

Шу автостанциянинг рўпарасида сут-ёғ заводи бор. Карл Маркс номли колхознинг 1 ва 2-бригадаси аъзолари ҳамда Хўжайли ғишт заводининг ишчилари сут-ёғ заводи ювиндиларни бизнинг территориямизга чиқариб тўкади, антисанитария кучайиб кетган, бу ҳақда район санитария эпидемиология станциясига айтсак ҳам фойдаси бўлмаяпти, деб шикоят қилишди. Завод раҳбарларига қани энди, бу гап кор қилса?! Ишчилар халатсиз ишлашяпти. Учта мўътадил иқлим яратадиган машинадан биттаси ҳаракатсиз. Хўжайли шаҳар ижроия комитети чиқиндиларни ташлайдиган жой ажратмаган. Бундай аҳвол Нукус, Тўрткўл, Қўнғирот шаҳарлари сут-ёғ заводларида ҳам рўй беряпти. Бу корхоналарда сут қабул қилиб олиш ва уни қайта ишлашда санитария-гигиена қоидалари қўпол тарзда бузиляпти. Механизмлар бажарадиган ишлар қўлда қилиняпти. Шишаларни ювиш, уларга сут қуйиш пайтида тозаликка риоя қилинмаётир. Ишчиларнинг халатлари ифлос, колхоз ва совхозлардан сут махсус транспорт ўрнига дуч келган машинада ташиб келтириляпти.

Нукус шаҳридаги лимонад-пиво заводида ўтказилган текшириш пайтида шишалар тозаланмай, лимонад ва пиво қуйилаётганини кўрдик. Сотиш учун жўнатиладиган лимонадли шиша ичидан пашша чиқди. Завод директори С. Абдуллаев бир неча марта штраф тўласа ҳам корхонада тозалик соҳасида ўзгариш бўлмади. Тўрткўл районидаги новвойхона ифлос ва санитария-гигиена қоидалари бузилганлиги сабабли икки ойдан бери тўхтатиб қўйилган.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси матлубот кооперацияси ва Савдо министрлигига қарашли савдо ва умумий овқатланиш муассасаларида ҳам тозаликка эътибор берилмаяпти. Чимбой районидаги ошхона ва ресторанларда, «Октябрь 40 йиллиги», «Октябрь» совхозларининг марказидаги ошхоналарда, Беруний районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози, Тахтакўпир районидаги Қораўзак посёлкаси, Қўнғирот районидаги ошхона ва чойхоналарда санитария-гигиена қоидаларига мутлақо эътибор берилмайди. Овқат тайёрланадиган хоналар ва заллар ифлос, вақтида тозаланмайди, ҳатто ошпаз ва официантлар кир халатларда юришибди.

Сув — тозаликнинг гарови. Автоном Республика шаҳарлари ва район марказларида ариқлар оз, водопровод қурилиши эса суст. Тахтакўпир районида водопровод тармоқлари қуриш учун 25 минг сўм сарфланган эди. Бироқ, лойиҳалаш пайтида баъзи камчиликлар содир бўлганлиги сабабли бу қурилиш тўхтатиб қўйилди. Қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ зое кетди.

Нукус шаҳридаги водопровод бош иншоотидаги фильтр станцияси қурилиши 10 йилдан бери тугалланмаётир. Хўжайли, Қўнғирот ва Чимбой районлари марказларида яшайдиган аҳоли водопровод суви билан тўла таъминланган эмас. Автоном республика совхоз ва колхозларида қурилган 63 та ҳаммом сув билан таъминланмаётгани учун ишламаяпти.

Шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари ободонлаштириш учун ажратилган маблағдан тўла фойдаланмаётганлари йўқ. Автобазалардаги махсус сув сепадиган ва ахлат ташийдиган автомашиналарнинг кўпи бузилиб ётибди. Бу машиналарни ремонт қилиш учун зарур запас қисмлар йўқ.

Тозалик ва ободончилик ишларини фақат шаҳар ва район коммунал хўжалиги бўлимлари ва медицина ходимлари зиммасига юклаб бўлмайди. Бу иш билан ҳар бир корхона ва муассаса коллективи, ҳар бир понадон шуғулланиши керак. Автоном республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари санитария-гигиена ишларини тубдан яхшилаш учун колхоз ва совхозларга, ташкилот ва муассасаларга яқиндан ёрдам кўрсатишлари зарур.

А. ҚОДИРБОЕВ,
Хўжайли район халқ контроли комитетининг раиси,
Қ. ЎРИНБОЕВ,
Ж. БАКБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон АССР санитария эпидемиология станциясининг врачлари,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ

Жиззах районидаги «Коммунизм» ва Энгельс номли колхозларда сабзавотчилик эътибордан четда қоляпти. «Коммунизм» колхозида 11 гектар ерга эртаги сабзавот экилмаган. Сабзи ва давлаги пландагидан анча кам. Энгельс номли колхозда эса эртаги сабзавот экилиши лозим бўлган 3 гектар ерга бошқа экинлар экиб юборилган. (Хабарлардан).

Урганч шаҳар озиқ-овқат саводсига (директори Маҳмўдов) қарашли кўпгина магазинларда бузуқ тош-тарозилар ишлатиляпти. Текшириб кўрилганида 19- магазиндаги (мудири Ўрозов) 15 та тарозидан 14 таси, 8-магазиндаги (мудири Маримов) 19 та тарозидан 3 таси бузуқлиги маълум бўлди. (Хабарлардан).

Қоғозда ва амалда.

Қинғир ишнинг қийини.

Ўзбекистон Ахборот

ҲУНАРМАНД ҚИЗЛАР

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Қашқадарё область маиший хизмат бошқармаси Яккабоғ районида ўқув комбинати ташкил этган эди. 93 қиз бу комбинатда ҳунар ўрганиб, колхоз ва совхозлардаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатларида ишлаш учун йўлланма олди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДАМ ОЛИШ ХИЕБОНИ

Избоскан районидаги истироҳат боғи кейинги йилларда ташландиқ ҳолга тушиб қолган эди. Район меҳнаткашлари боғни обод қилиш учун катта ҳашар ўтказдилар. Бу хайрли ишда колхозчилардан тортиб мактаб ўқувчиларигача актив қатнашдилар. Боғдаги йўлкалар асфальтланди, ариқлар бетонлаштирилди, янги аттракционлар, шахмат-шашка, биллиард павильонлари қурилди. Ҳозир боғ район меҳнаткашларининг севимли дам олиш жойига айланди.

Т. МАВЛОНОВА.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИ

Эндиликда қурилиш-ободончилик ишлари қишлоқларда ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Нурота районидаги Эргаш Жумабулбул номли совхознинг Калинин номли бўлимида сўнгги йилларда иккита ўрта мактаб, маъмурий бино, магазин ва чўпонлар учун кўплаб уй-жойлар қурилиб ишга туширилди.

Айни кунларда совхоз қишлоқларини юқори кучланишли электр линиясига улаш тадбирлари кўрилмоқда.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

КУРИК АРАФАСИДА

Йўлдош Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри санъаткорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Театр ижодий коллективи Андижон ва Наманган областлари гастролидан қайтиб келди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари К. Хонкелдиев, М. Ҳамидова, М. Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Б. Нурмуҳамедов, О. Толипов ва бошқаларнинг чиқишлари Избоскан, Кўргонтепа, Задарё, Поп, Учқўрғон районларининг меҳнаткашларини мамнун қилди.

Театр коллективи СССРнинг ярим асрлик юбилейини янги асарлар билан кутиб олади. «Эртак» спектакли билан томошабиларга таниш бўлган режиссёр Омон Шарипов атоқли совет ёзувчиси Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асарини саҳналаштирмоқда.

В. НАСРИДДИНОВА.

Қашқадарё области. Қамаши районидаги Ленин номли колхознинг Очил Эшмонов бошлиқ ем-хашак бригадасининг коллективи 60 гектар майдонда маккажўхори билан беда-ни аралаш эккан эди. Натижа чакки бўлмади. Далаларда маккажўхори ва беда гуркираб ўсмоқда. Дастлабки тахминга кўра гектаридан 800 центнердан маккажўхори ва 100 центнердан беда олиниши кўзда тутилмоқда. Чапдаги суратда: О. Эшмонов аралаш озуқаларни суғормоқда. Ўнгдаги суратда эса Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозининг чорвадорлари далалардан ўрилган пичанларни фермаларга ташиётган.

Р. Шамсуддинов (ЎзТАГ) ва И. Портнов фотолари.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

ОНА ТУПРОҚ

(РЕПОРТАЖ)

Она тупроқ! Шу оддийгина сўз замирида олам-жаҳон мазмун бор. Қаҳрамон халқимиз шу муқаддас тупроқни деб немис-фашист газандаларга қарши курашди, душманларнинг додини берди, уларни тор-мор этди. Ҳа, она-Ватан тупроғини қанча таърифласанг, шунча оз...

Яқинда Бухоро область партия комитети лекторлар группаси «Билим», жамияти область ташкилоти ва республика илмий атеизм уйи область филиали билан ҳамкорликда Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозида ўтказган тантанали кеча ана шу она тупроқни эъзозлаш, Ватанга садоқат, меҳнатга коммунистик муносабат масаласига бағишланди. Кечага Улуғ Ватан урушида қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар таклиф қилинди.

Кечада «Билим» жамияти область ташкилотининг масъул секретари Р. Муқимов «Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш», колхоз партия ташкилотининг секретари Д. Шерқулов. «Колхозда маданий турмуш тараққиёти» деган темаларда мазмунли лекция ўқишди.

Шундан сўнг минбарга колхоз тузуми ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Муртазо бобо Раҳмонов кўтарилди. Унинг қўлида бир коса тупроқ.

— Болаларим! — дея сўз бошлади ота, — ўтмишда биз шу қишлоқда яшаганмиз. Кўпчилик ерсиз, жойсиз эди. Ҳақиқий бахтга Совет ҳукумати даврида эришдик. Биз озод меҳнат билан ерни обод қилдик, ер эса бизга ноз-неъматлар инъом этди. Келажак сизларники, нури-дийдаларим! Она еримизнинг ҳар сиқим тупроғи — олтин. Уни қадрлаш, қўриқлаш, асраш ва янада гуллатишни биз кексалар, сизларга топширамиз! Энди меҳнат эстафетаси — сизларга!

Отахон шундай дея косадаги тупроқни ўпди. Шу пайт бир группа ёшлар саҳнага чиқишади. Уларнинг юзларида табассум, кўзларида кувонч нурлари порлайди. Комсомол қиз Марям Исмоилова Муртазо бобо қўлидаги тупроқ солинган косани олиб, уни таъзим билан ўпа туриб бундай деди:

— Азиз отахон ва онахонлар! Сизлар кўз қорачиғингиздек асраб, гуллатиб келган она Ватанимизнинг мўътабар тупроғини ҳамиша пок сақлашга, уни меҳнатимиз билан янада ардоқлашга ва асрашга сўз берамиз! Шу азиз тупроқда биз-нинг бахт-саодатимиз, эркимиз учун курашганлар қалби уриб турибди. Улар сиймоси шу тупроқда мужассамлашган. Сизларни ишонтириб айтамизки, биз топширган меҳнат эстафетасини курсандчилик билан қабул қиламиз, уни умр бўйи эъзозлаймиз!

Кўпгина ёшлар ҳам қалб сўзларини изҳор қилишди.

Тантанали кечада колхознинг меҳнат ветеранларидан бир группаси пенсияга узатилди, уларга совға-саломлар топширилди. М. Исмоилова, О. Жумаева, А. Худойқулов, Ш. Файзиев сингари ёшлар колхоз аъзолигига қабул қилиндилар.

Ғ. ШУКУРОВ.

«Совет Ўзбекистони» конкурсига

ИШОНЧ

ОЧЕРК

Йиғилиш тугаб, ҳамма тарқалди. Аммо Турсунбойнинг кўнглига чўккан ажабланиш туйғуси ортиб борар эди. «Ҳар йиғилишда «бечора»ларнинг пўстагини қоқишади. Лекин улар «миқ» этмайди. Тоқатларига балли-е!».

Кунлар ўтди, бир куни, худди унинг қалбига қулоқ солишгандай, шаҳар партия комитетига, сўнг область партия комитетига чақиришди. Шаҳарком ва обком секретарларининг гапи битта бўлди.

— Сизни «Электродвигатель» заводига ишга ўтказмоқчимиз. Биламиз, қийин бўлади. Аммо, сиз машинасозлик заводида ҳам ишлагансиз, оз бўлса-да, соз тажрибага эгасиз...

Партия топшириғи замирида ёш кадрга ишонч, оқ йўл, катта имтиҳон яширин эди.

Ҳакимов янги ишга тез киришиб кетди. Корхонанинг аҳволини иқтисодий ҳисоб-китобдан ўтказди. Заводнинг оқсоқлигидан давлат бир миллион сўм зарар кўряпти. Иш ҳақи фондидан 110 минг сўм ортиқча харажат қилинибди. Директор иш бошлаган кунлари корхона ҳовлисидаги брак электродвигателларнинг сони 13 миттага етган экан. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир сўм-у 27,5 тийин сарфлаяпти. Ишлаб чиқаришни бундай иқтисодий таҳлил қилиш натижасида директор ягона ва тўғри хулосага келди: «Заводда ривожланишнинг тўғри йўли—иқтисодий ҳисоб-китоб издан чиққан. Биринчи бўлиб ҳисоб-китобни изга солиш керак? Бунинг учун ҳовлида қалашиб ётган брак маҳсулотлардан қутулиш ва ҳар бир электродвигателни тайёрлаш учун кетаётган материал сарфини бошқатдан ўрганиш талаб этилади». Янги директор ўзининг ана шу йўли ниҳоятда тўғри эканлигига сира шубҳа қилмасди. Сим ўраш цехида эса дастгоҳларнинг жойлаштирилиши Турсунбойга ёқмади. «Бу ҳам ҳисоб-китобнинг бир учи» ўйлади у. «Ишлаб чиқариш майдони етарли бўлгач, нега энди «Жанубий Оламушук»да филиал ташкил этишди экан-а! Филиалда тайёрланган маҳсулотнинг 100 фоизи брак. Лекин унинг сабаби билан бироз қизиқмайди». Бир ўйлаб кўриш керак. Лекин янги директор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий илдизларини бирин-кетин оча бошлаган сайин ўйлаб кўрадиган, мушоҳада қиладиган, тортишадиган масалалар пайдар-пай пайдо бўла бошларди...

У завод раҳбарларини хонасига таклиф этди. Мақсад—корхонадаги мавжуд икир-чикирларни биргалашиб ҳал қилиш эди. Ҳамма тўпланиб бўлгач, Турсунбой ўрнидан турди:

— Мана, менинг келганимга ҳам анча бўлиб қолди. Ишхонанинг икир-чикирларини ўргандим. Энди амалий ишга ўтсак. Биринчи бўлиб брак маҳсулотларни тузатишимиз керак.

— Бракни тузатамиз деб, ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўямизми? — луқма ташлади ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи. Унинг захарҳандалик билан айтган гапи Турсунбойни ажаблантирмади. У Ҳакимов ишни қабул қилиб олгандан бери ҳар бир масалани ижобий ҳал этишга тўғоноқ бўлаётган эди. Ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи ўзини корхонани беш қўлдек биладиган ишбилармон киши қилиб кўрсатарди. Хуллас, у Турсунбой Ҳакимовни биринчи кунданоқ ўз ноғорасига ўйнатиш пайига тушди. Шунинг учун ҳам Турсунбой Парпиевнинг ҳозирги луқмасини ана шу ноғоранинг бир усули деб билди ва бамайлихотир гап бошлади:

— Ишлаб чиқариш бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Аксинча, сиз қўллаган усул туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш суръатига путур етяпти.

— Ана холос, — тиззасини шапатилаб, директорнинг гапини менсимай кулди у. — Суръат сусаярмиш. Ахир, шунча йилдан бери заводнинг нонини еб келяпман. Пландаги электродвигатель кам чиқаётгани йўқ. Умуман, Турсун Мирзаевич, сиз менга ақл ўргатмасангиз яхши бўларди.

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг сўнгги гапи кўпчилик олдида директорни обрўсизлантириш, унинг янгилик сари қадам ташлаши учун гов бўлишнинг намойиши эди. Буни ўтирганларнинг аксарияти яхши тушуниб етишган бўлса ҳам, тарозишинг қайси палласи босиб тушишини кутиб Турсунбойнинг кўзига тикилиб қолишди. Лекин Ҳакимов боягидек, бамайлихотир жавоб қайтарди.

— Тўғри, мен сизга ақл ўргатмайман. Аммо сиз ўргатган ақл туфайли завод қай аҳволга тушиб қолганини тасаввур қила оласизми? Йўқ. Тасаввур қила олмайсиз. Тасаввур қилганингизда сиздан бошқалар ақл ўрганса бўларди.

Парпиев ўрнидан туриб кетди:

— Бу гапингиз билан нима демоқчисиз?

— Шошилманг. Ҳали гапнинг «берди»сини айтганим йўқ. Маҳсулот кўп ишлаб чиқарилгани билан завод ҳовлисида қалашиб ётибди. Биров олмайди. Олганларнинг орқасидан дасталаб эътироз хатлари келяпти. Суръатга сифат йўлдош бўлишини хоҳлайман. Цехдаги ишчилар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариб, ҳам бракни тузатиши — фойдасиз. Бунинг ўрнига сифатли маҳсулот беришсин. Бақтинчалик махсус ремонтчилар бригадасини тузамиз.

Энди хонада ўтирганлар жонланиб қолишди. Орқароқда ўтирган Абдуҳолиқ Зуҳриддинов баралла «тўғри» деб юборди ва директорнинг гапини бўлиб, ўрнидан турди.

— Илгари ҳам бир неча марта шу ҳақдаги таклифни илгари сурган эдик. Лекин Парпиев ортиқча харажат деб кўнмаган эди.

— Йўқ, ортиқча харажат эмас. Аниқ ҳисоб-китоб қилинса, зараридан фойдаси бор. Фақат ҳисобни билмай ҳамёндан айрилиб юргансизлар.

Ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи ҳамон луқма ташлар, директорга бақрайиб қараб, оёғини чалиштириб ўтирарди. Шу куни Зуҳриддинов бошлиқ ремонтчилар бригадаси тузилди. Бригадага ишчан мастер ва ишчилар биркитиб қўйилди. Улар кунига 150 тага етказиб электродвигатель ремонт қила бошладилар. Директор ҳаммасидан кўз-қулоқ бўлиб турди.

У цехларни айланиб чиқиб, «Жанубий Оламушук»ка электродвигатель учун кетаётган юк машинасини кўриб қолди. Филиалдаги ишлаб чиқариш жараёнларини синчковлик билан кузатди. Сўнг машинага ортилган двигатель статорларини текшириб кўрди. Маҳсулот Андижонга келтирилгач, у яна статорларни кўздан ўтказди ва... гўё олтин топиб олгандай, қувониб кетди: у филиалдан келтирилган маҳсулотнинг бракка чиқиши сабабини топиб олган эди. Статор пакетлари йўлда кела-келгунча бир-бирига урилиб, симнинг эмали кўчиб кетар экан. Эмали кўчган симлар эса бир-бирига тегиб турганн учун двигателлар ишламас эди. «Хўш, филиалдаги дастгоҳларни ўров цехига келтириб ўрнатсак бўлади-ку. Барибир майдонлар бўш ётибди. Дастгоҳларни пала-партиш ўрнатишга ҳам барҳам берган бўлардик. Цехнинг ишлаб чиқариш маданияти ҳам юксаларди. Ортиқча чиқим ҳам бўлмайди».

У энди ана шу ниятини оммага етказиши керак. Омма билан келишиб, уларнинг ҳам фикрини билиш лозим. Цех бошлиқлари Феня Зокирова ва Григорий Полянскийларга фикрини айтди. Улар директорнинг маслаҳатини қўллаб-қувватлашди. Цехга филиалдаги дастгоҳларни қай даражада ўрнатиш устида ўз маслаҳатларини билдиришди. Шундан кейин Турсунбой Мирзаевич Андижоннинг юқори партия ва совет ташкилотларида филиалнинг зарар келтираётганини аниқ ҳисоблар билан исботлаб, уни заводга кўчириш масаласини ҳал қилди.

Иш шу зайилда давом этарди. Турсунбой эса янги муаммоларни излаб топарди. «Нега техника назорати ходимларининг иши икки сменада ташкил этилмаган, «АО» маркали двигателдан нега корхона зарар кўряпти?..».

Техника назорати бўлими ходимлари биринчи сменада маҳсулотни бирма-бир кўздан кечириб қабул қилишади-да, омборга узатишади. Иккинчи сменада эса сифат назоратсиз қолади. Натижада, текширилган ва текширилмаган маҳсулотлар аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Директор назоратчилар ишини икки сменада ташкил қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. Тез орада бу усулнинг афзалликлари намоён бўла бошлади. Қайта тузиш учун қайтарилаётган электродвигателларнинг сони кескин камайиб кета бошлади. Унинг кўнгли барибир таскин топмади. «АО» двигателини тайёрлаш учун кетадиган сарф-харажатларни ҳисоблаб кўриш лозим. Ҳисоблади. 32 сўм маблағ кетар экан. Давлатга эса 29 сўмдан сотиляпти. Нега шундай? У аниқлади. Ҳукумат рангли металларнинг нархини оширган. Заводнинг раҳбарлари, биринчи галда, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи бу масалага бефарқ қараган, Министрлик олдига рангли металларнинг нархи ошиши муносабати билан электродвигателнинг ҳам нархини ошириш масаласини қўймаган. Оч қорним, тинч қулоғим қабилида иш тутиш туфайли муттасил зарар кўриб келинган.

Энди эса вақт ўтди. Электродвигатель нархини ошириш масаласини кўтариш бефойда. Бунинг ўрнига бошқа имкониятларни ишга солиш мумкин. Турсунбой Ҳакимов ана шу ҳақда ўйлади, изланди, электротехника саноати бошқармасига мурожаат қилди. Ниҳоят, «АО»нинг ўрнини босадиган ва жаҳонда энг чидамли деб тан олинган «4А112» маркали двигателни ишлаб чиқаришга енг шимарди. Харьковдаги махсус конструкторлик бюроси билан завод коллективи янги двигателни тайёрлаш технологиясини ўзлаштира бошладилар.

Корхона ҳар ҳолда оёққа турди. Йиллар йилларни қувлаб ўтяпти. 1969 йили 2 миллион 700 минг сўмлик, 1970 йили 3 миллион 400 минг сўмлик, 1971 йили 3 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхона зарар кўришдан қутулади. Лекин бугунги марра—чегара эмас. Яна илгарилаш, олға қараб юриш керак. Бунинг учун янги цехларни қуриш лозим. Аммо заводни қайта қуриш беш йиллик планига кирмай қолган.

Янги директор Москвага — СССР электротехника саноати министрлигига йўл олди. Министр Александр Константинович Антонов Андижондан ташриф буюрган ўртоқ Ҳакимовни илиқ қаршилади. Коллектив манфаати учун жон куйдираётган ва қолоқ корхонани илғорликка кўтаришга жазм қилган директорнинг ҳатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

— Аввалги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли шу беш йиллик планда корхонани кенгайтириш кўзда тутилмаган. Лекин сизнинг жонсараклигингизни табрикламай бўлмайди. Хўп, мен имкониятларни чамалаб, натижасини хабар қиламан. Ҳар ҳолда ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

У министрликдан чиқиб «Электромаш»» бошқармасининг бошлиғига учради. Министрликка кириб корхонани кенгайтириш учун маблағ ажратиш масаласини ўртага ташлагани айтди. Турсунбой Ҳакимов Андижонга қайтиш биланоқ Москвадан телеграмма келди. Телеграммада заводни кенгайтириш учун бу йилга 100 минг сўм маблағ ажратилгани айтилган эди. Унинг қувончи чексиз эди.

...Шаҳар партия хўжалик активининг йиғилиши ўтяпти. Сўзга чиққан шаҳар партия комитетининг секретари илғор корхоналар тўғрисидаги гапида биринчи бўлиб «Электродвигатель» заводини тилга олди. Корхона ва унинг ишчан директори ҳақида батафсил тўхталди.

Муқимжон НИЕЗОВ,
Андижон.

СИБИРЬ ТЕАТРИ БИЛАН УЧРАШУВ

13 июнда тошкентликларнинг Новосибирск академик опера ва балет театри билан биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Сибирь бадиий коллективи ўз гастролини П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операси билан бошлади.

Ўзбекистонга биринчи марта келган Новосибирск театрининг Тошкентдаги афишаси бой ва ранг-баранг-дир. Бородиннинг «Князь Игорь», Гунонинг «Фауст», Пуччинининг «Манон Леско» опералари, совет композиторларининг асарлари — Прокофьевнинг «Тош гул», Шостаковичнинг «Қиз ва безори» балетлари, Дзержинскийнинг «Тинч Дон» операси кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари С. К. Камолиддинов биринчи спектакль бошланиши олдидан меҳмонларга қарата мурожаат қилди. Тошкент область партия комитетининг секретари Б. А. Абдуразоқов ажойиб ижодкор коллективга рус ва ўзбек халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ижодий муваффақиятлар, яхши учрашувлар тилади. СССР халқ артисти М. Ашрафий меҳмонларга қарата табрик нутқи сўзлади.

Новосибирск область партия комитетининг секретари М. С. Алфёров самимий кутиб олганликлари учун ўз ҳамшаҳарлари номидан тошкентликларга ташаккур билдирди. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари ижро этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Академик Катта театри гастроль бериш учун Новосибирскка жўнади. Тошкентлик артистлар классикларнинг асарларидан ташқари Ўзбекистон миллий санъатининг гуллаб-яшнаши тўғрисида ҳикоя қилувчи спектакларни ҳам ўзлари билан олиб сорадилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия ва хўжалик ташкилотларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР алоқа министрининг ўринбосари Дониёр Искандаровича **Мангельдинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЧОРА КЎРИЛДИ

Мактабга Шаропов директор бўлди-ю, ўқитувчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Баъзи ўқитувчилар ўтилмаган дарслар учун ҳам ҳақ олаётирлар.

Косон районидан келган хатда шу райондаги «Правда» мактабида содир бўлаётган тартибсизликлар ҳақида ёзилган эди. Хат текшириб чора кўриш учун район ижроия комитетига юборилди. У ердан хабар қилишларича, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган.

Текшириш якуни район халқ маорифи бўлимининг кенгайтирилган советида муҳокама қилиниб, мактаб директори Шароповга қаттиқ виговор берилган. Ўқитувчиларга қонунсиз тўланган пуллар ундириб олинган.

Мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш ва ўқитувчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланган.

РАҲМАТ БЕКЕШОВ Беруний районидаги Киров номли колхознинг илғор агитаторларидан. У колхоз аъзолари ўртасида сиёсий-оммавий ишларни мунтазам олиб боришда хўжалик партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераётир. «Билим» жамиятининг аъзоси бўлган бу агитатор колхоз аъзоларини кундалик янгиликлар билан ҳам таништириб турадн.
Суратда: Р. Бекешов.
Р. Саидов фотоси.

Китоблар оламида

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Республикамиз «Фан» нашриётининг сўнгги вақтларда чиқарган диққатга сазовор асарлари орасида Ўзбекистон хотин-қизлари босиб ўтган шонли йўлларга, уларнинг яратувчилик меҳнатига бағишланган китоблар ва рисолалар кенг жамоатчилик диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Я. Е. Песиннинг «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари оилавий-ҳуқуқий гарантияларининг ривожланиши»1 китоби ҳам, шубҳасиз, шундай асарлар қаторига киради.

Китобда хотин-қизларнинг Улуғ Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ҳуқуқий аҳволи, хотин-қизларни давлат-ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тўла озод қилиш юзасидан партиямиз олиб борган сиёсат, Совет Ўзбекистонининг хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги қонунлари жуда катта фактик ва норматив материалларни ўрганиш асосида тадқиқ қилинган.

Маълумки, Ўзбекистонда ўтмишда хотин-қизлар ҳуқуқсиз бўлиб, шариат қонунлари уларни элементар инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этган эди. Муаллиф революциядан илгариги Ўзбекистондаги хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, шунингдек Совет ҳокимияти йилларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши мавжуд социал-иқтисодий тузум билан боғлиқлигини ишончли равишда кўрсатиб берган. Хотин-қизларнинг социал ва ҳуқуқий аҳволи, уларнинг капитализм ва социализм шароитида ижтимоий — сиёсий ва маданий жабҳадаги роли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот тўғри талқин этилган.

Шунинг диққатга сазоворки, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари оилавий-ҳуқуқий гарантияларининг ривожланишини таҳлил қилинаётганда республикада хотин-қизларни озод қилишдаги қийинчиликлар ва ўзига хос томонлар, хотин-қизларнинг оиладаги, ишлаб чиқаришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тўла тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда совет ҳуқуқининг роли ҳақида батафсил фикр юритилган.

Я. Е. Песин тадқиқоти фактик ва норматив базадан ташқари, оила-никоҳ тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан қимматли таклифлар борлиги, кўпгина катта ва қизиқарли илмий проблемалар қўйилганлиги билан ҳам қимматлидир. Муаллифнинг оиланинг вужудга келиши амалдаги (ЗАГС органларида қайд қилинмаган) никоҳни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни жорий этиш сабаблари, суд йўли билан оталикни белгилашнинг процессуал хусусиятлари, ота-оналик ҳуқуқларининг моҳияти тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бошқа фикрлари диққатга сазовордир.

Мазкур асар ҳуқуқшуносларга учунгина эмас, айни вақтда кенг китобхонлар оммаси учун ҳам фойдалидир. Чунки у хотин-қизларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқлари, оила ва никоҳ тўғрисидаги қонунлар билан таништиради. Бу жиҳатдан китобни кўпроқ нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ш. ЎРАЗАЕВ,
профессор.

1). Я. Е. Песин, «Узбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари оилавий-ҳуқуқий гарантияларининг ривожланиши», ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971 йил (рус тилида).

СПОРТ

ХАБАРЛАР

ШЕПИЛОВ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Аркадий Ванюхин шогирдларидан яна бирининг навбатдаги муваффақиятидан хурсанд бўлиб қолди. Белоруссия пойтахти Минск шаҳрининг спорт саройида эркин кураш бўйича СССР чемпионати мусобақалари кунларида Леонид Шепилов фахрий шохсупанинг энг юқорисига кўтарилиш шарафига муяссар бўлди. А. Ванюхининг бу истеъдодли шогирди ана шу учрашувларда олтин медални қўлга киритди ва СССР чемпиони номини олди.

Тошкент жисмоний тарбия институтининг студенти Леонид нейнги вақтларда ўз спорт маҳорати билан мухлисларда катта қизиқиш уйғотиб келаётган эди. Мамлакат чемпиони бўлиши эса унинг спорт соҳасида эришган катта муваффақиятидир. Тошкентлик яна бир студент — ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг талабаси Анвар Абдураҳмонов бу мусобақада бронза медаль олди. Унинг кураш усуллари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Анвар СССР ёшлар терма командаси составига киритилди, энди у Европа чемпионати мусобақаларига ҳозирлик кўряпти.

ТАЛЛИНДАГИ СОВРИНДОРИМИЗ

Таллин шаҳридаги мусобақаларда энг катта соврин эгаси тошкентлик йигит бўлди. Ўзбекистонлик велосипедчиларнинг олимпиада олдидан ўтказилган ана шу учрашувдаги натижалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Велосипедчи-трекчиларимиз Симферополда Туладаги учрашувларда муваффақият қозонишганди. Таллин халқаро мусобақаларда 20 ёшли Сергей Смирнов тўрт километр масофага пойгачиларнинг саралаш мусобақасида маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ўзбекистон вакили бўлган бу йигит ана шу масофани босиб ўтишга 5 минутдан сал ортиқ вақт сарфлади.

Ҳал қилувчи — финал учрашувда ҳам кустанайлик Б. Продан билан бир қаторда Тошкент вакили Смирнов яхши натижага эришди. Халқаро мусобақада СССР, ГДР, Польша, ЧССР, Болгария, Куба, ГФР, Швейцария, Финляндия спортчилари иштирок этди.

БЕШИНЧИ ЗОНАДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лига командаларининг навбатдаги тур ўйинлари бўлди. Бешинчи зонага кирувчи Ўзбекистон командалари бу турда қуйидаги натижаларга эришдилар: «Олой» — «Нефтяник» (Фарғона) учрашуви 0:1 ҳисобида тугади. «Зарафшон» «Волга» командаси дарвозасига икки тўпга жавобан уч тўп киритди. «Янгиер» командамиз ютқизиб қўйди. Бу команданинг «Торпедо» билан бўлган ўйинида 0:2 ҳисоби қайд қилинди. «Янгиариқ» командаси ўйинчилари анча маҳорат кўрсатиб, Оренбург шаҳрининг локомотивчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ОЛТИН МЕДАЛЛИЛАР

Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида Европа чемпионати мусобақалари тугади. Бу учрашувларда 19 мамлакатнинг спортчилари қатнашди. Мусобақаларда совет спортчиларидан 11 нафари куч синашди. Шулардан 6 нафари олтин медалларни қўлга киритди. Биринчи олтин медаль Пермь шаҳрининг вакили Соломинга насиб қилди. Қолган медалларни Львов, Зоров, Лемишев, Миронюк, Суботин олди.

ФОТО Конкурс: ЎЗБЕКИСТОН-72

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛГОРИ: (Тошкент трактор-йиғув заводининг йиғув цехи электр аппаратларини монтаж қилувчи Роза Чихтель).

А. Тўраев фотоси.

Шўрлиқ мамлакатларда

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон 1971 йилда турли балиқ, креветка ва омар экспорт қилишдан 445,5 миллион валюта рупий олди, деб хабар берди информация ва матбуот бюроси. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон ҳукумати соҳил бўйларида ва очиқ денгизда қилинадиган ови кенгайтириш учун катта ғайрат кўрсатмоқда. Экономикани ривожлантириш тўртинчи беш йиллик планига мувофиқ балиқ овлайдиган 300 кема қуриш кўзда тутилган.

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистонинг Уттар Прадеш штатида бой мис, руда, оҳак тош ва боксит конлари топилди. Уттар Прадеш саноат департаменти вакилининг айтишича, бу конлар штатда мис, алюминий ва цемент саноатини ривожлантиришга база бўлиб хизмат қилади.

◆ ЛОНДОН. Жанубий Африка Республикасининг кончилик саноатидаги жами ишчи кучларининг 70 проценти африкаликлардан иборат бўлсада, аммо уларнинг иш ҳақи шу соҳадаги жами иш ҳақининг учдан бир қисмига ҳам бормайди. Жанубий Африка Республикаси кончилик саноати министрлигининг 1971 йилги статистика ҳисоботида шу ҳақда гапирилади. Ҳисоботга кўра, африкалик шахтёр оқ танли ишчига нисбатан 20 баравар кам ҳақ олаётган экан.

(ТАСС).

ЧИЛИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

САНТЬЯГО. 13 июнь. (ТАСС). Чили президенти маҳкамасининг матбуот бўлими Чили ҳукумати истеъфо берганлиги тўғрисидаги хабарни тарқатди. Бу тадбир, дейилади хабарда, иқтисодий, сиёсий ва маъмурий чоралар кўрилиши муносабати билан президент Сальвадор Альенденинг министрлар кабинетини қайта тузишини енгиллаштириш учун қўрилди, давлат бошлиғи яқин кунлар ичида мамлакатни шу чоралар билан таништиради.

ҲАВО СОТИЛАДИ

ФЕЛЬЕТОН

Йирик кимё концернининг хўжайини бўлим бошлиқларининг ўз ҳузурига чақирди. У бошлиқларни янги оригинал ғоя билан таништиришга ошиқарди.

— Жаноблар, — деди у, — харидорларимизга бутунлай керексиз нарсаларни ҳам амалтақал қилиб ўтказаётганимизни яхши биласиз. Ҳолбуки, бу нарсаларнинг баъзилари ларга бу дунёдагина эмас, ҳатто нариги дунёда ҳам асқотмайди. Аммо биз одамлар усиз бирор минут ҳам яшай олмайдиган бир нарсани эсдан чиқариб қўяётирмиз. Мен ана шу хатони тузатишга аҳд қилдим. Бундан буён биз ҳаво сотамиз.

— Ё худо, бир овоздан ҳайратланишди бўлим бошлиқлари, — бу чиндан ҳам ажойиб ғоя!

— Аммо ҳавони сотиб бўлармикан? — ҳайрон бўлди пенсияга чиқишига атиги уч кун қолган кекса бўлим бошлиқларидан бири.

— Нима бало, концернимиз эркин савдо ташкилоти эканлигини эсдан чиқариб қўйдингизми? — танбеҳ беришди ўтирганлар.

— Мен бу нарса техник жиҳатдан мумкинмикан, деб сўрамоқчи эдим?—ғулдиради чол.

— Корхона раҳбари бўлган америкалик инженер муҳтарам Ядовитчел мени ишонтириб айтдики, — деди концерн хўжайини, — шиша идишларни, пакет ва пластик қопчиқларни ҳаво билан тўлдиришнинг ҳеч қанақа қийин жойи йўқ.

— Демак биз ҳавони тўғридан-тўғри атмосферадан олиб сотаверар эканмизда? — сўради реализация бўлимининг бошлиғи.

— Худди шундай, — тасдиқлади хўжайин.

— Демак, ҳаво ҳам «текин» бўлмас эканда?

— Бўлмасамчи. Ҳавонинг ҳаммасини идишларга жамғариб оламиз.

— О! — деди реализация бўлимининг бошлиғи қувончдан кўзлари чақнаб, — бундай истиқболни ўйлаганда, мухтарам бош директор, шодлигимдан танамга сиғмай кетаман.

— Ташаккур! — деди бошлиқ, — энди амалий ишга ўтайлик. Бу ғояни амалга ошириш, табиийки, каттагина маблағ сарфлашни талаб этади. Биз қозирданоқ ҳаво запаслари областининг каттагина қисмини сотиб олганмиз. Бунинг устига йирик фирмалардан бири — «Кислород-АГ»ни ўз концернимизга қўшиб олишга тўғри келади. Биз ўн минглаб савдо ўчоқлари ташкил этамиз. Харидорлар бизнинг ҳавомизни худди ана шу ерлардан сотиб олишади.

Ана шу тарихий кенгашдан кейин орадан ярим йил ўтгач, «ОВ-верке-Кислород-АГ» фирмаси ҳаво билан савдо қилиш ишларини бошлаб юборди. Афсуски, концерн хўжайининг орзу-умидлари пучга чиқди, унинг янги ғояси ўзини оқламади. Ҳаёт учун ниҳоятда зарур бўлган ҳавони бошқа корхоналар ҳам сота бошлашди.

Эркин савдо-сотиқ ташкилотлари барқ уриб ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси нафас олиш соҳасида жиддий қийинчиликларга дуч кела бошлашди. Ишга чиқмаслик ҳолатлари авж олди, аҳоли орасида ўлиш, айниқса жиноятчилик ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Лекин кунларнинг бирида «ОВ-верке-Кислород-АГ» фирмаси ва шу сингари ҳаво сотиб бойлик ортирувчи бошқа концернлар иқтисодий тангликка дучор бўлмаганларида яна нималар содир бўлишини ким биларди дейсиз...

Петер МИСКЕ,
Ғарбий Германия.

Г. ДИМИТРОВга бағишланади

СОФИЯ. 13. Бугун бу ерда «Георгий Димитров ва тинчлик, демократия ҳамда социализм учун курашувчи революцион ва демократик кучларни бирлаштириш» мавзусига бағишланган халқаро конференция очилди. Болгария Компартияси Марказий Комитети, Ватан фронти Миллий кенгаши, болгар касаба союзлари Марказий кенгаши ўюштирган бу конференцияда 110 дан кўпроқ коммунистик ва ишчи партиялари, демократик ташкилотлар, халқ фронтлари, касаба союз ва миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Конференцияда Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков кириш нутқи сўзлади.

Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари Б. Величев асосий доклад қилди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев нутқ сўзлади.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ, 13 июнь. (ТАСС). АҚШ авиацияси 11 июнда ВДР территориясига яна бир неча бор ҳужум қилди. Наминь шаҳри, шунингдек бошқа бир қанча районлар бомбардимон қилинди. Ҳужумларда «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлар қатнашди. 7-Америка флотининг кемалари ВДР соҳилларини ўққа тутди.

ВДР Ташқи ишлар министрлиги кеча эълон қилган баёнотида ана шу агрессив ҳаракатларни кескин қоралади ва АҚШдан бомбардимонларни, ўққа тутишларни ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига тажовуз қиладиган бошқа ҳамма ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Америка авиацияси Шимолий Вьетнамга кеча ҳужум қилган вақтда Вьетнам халқ армиясининг осмон ҳужумидан мудофаа қисмлари Хабак вилояти тепасида бир самолётни уриб туширдилар.

ПЕКИН, 13 июнь. (ТАСС). ХХР Ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида: Америка ВДРни бомбардимон қилишини кучайтирганлигини Хитой қоралайди, дейилади. Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиш доирасини «Хитой-Вьетнам чегарасига бевосита яқин жойлашган районларгача» кенгайтириш Хитойнинг хавфсизлигини таҳлика остида қолдиради, бу «жиддий иғвогарлик»дан бошқа нарса эмас, деб таъкидланади баёнотда.

26 август куни Мюнхенда ХХ ёзги Олимпиада очилади. Ҳозир бу ерда қурилишнинг сўнгги ишлари олиб бориляпти. Суратда: Мюнхендаги Олимпиада шаҳарчасининг кўриниши. Ўртада 290 метрли телевизион минора ва 80 минг кишилик стадион.

ТАСС — ДПА фотоси.

Қизиқ воқеалар

ЮРАК ОПЕРАЦИЯСИ

Найманчадаги мактаб ўқувчиси 16 яшар Турғуной Маматқулова тез орада яна дугоналари билан бирга бўлади. Яқиндагина қизнинг ҳаёти қил устида бўлганлигига ишониш қийин. Турғуной туғма касал эди. Кўп йил даволаш унинг юрагидаги оғир касалликни йўқотолмади.

...Фарғона водийсидаги врачлардан биринчи бўлиб юракда мураккаб операция қилишга журъат этган Хайрулла Исоқов операция столига энгашди. Операция бир ярим соатдан зиёд давом қилди. Шундай қилиб қизнинг юраги ўйнашига барҳам берилди.

Ҳ. Исоқов шу операциягача кўп йиллар тажриба орттирди. Андижон медицина институтида таълим олди, Қўқон ва Андижонда хирург бўлиб ишлади, Киевдаги аспирантурада профессор Н. М. Амосов раҳбарлигида ўқиди ва ниҳоят юрак томирини хирургия йўли билан даволаш мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Ҳ. Исоқов юрак ва ўпкада неча юзлаб операциялар қилди. Фарғонадаги учинчи шаҳар касалхонаси хирургия бўлимининг мудири Ҳ. Исоқов кўкрак қафас хирургиясига ўзини бағишламоқчи бўлган ҳамкасбларига орттирган тажрибаларини бажонидил ўргатмоқда. (ЎзТАГ).

ҚАДИМГИ МАСКАН

САМАРҚАНД. Урта Осиё территориясидаги чорвадорлар бронза асридаёқ ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтабошлаган. Археологлар Ўзбекистоннинг жанубида — яқинда қуриб битказилган Чимқўрғон сув омборининг соҳилида топган маскан шундан далолат беради. Бу ерда уй-жой қолдиқлари ва сопол синиқлари топилди. Чимқўрғон масканидаги меҳнат ва ҳаёт буюмлари коллекциясида салкам 8 минг экспонат бор. Булар маскан ёши 3 минг йил чамаси келишини аниқлашга ёрдам берди. Бу ерда асосан кулоллик буюм фрагментлари кўп топилди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — Москва. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Олтин қўлпар. 13.15 — **Ҳаммаси бўлиб уч ҳафта** (телефильмнинг 2-серияси). 14.20 — Шоира **Л. Васильева** — студиямиз меҳмони. 14.40 — Ишлаб чиқариш командирлари. 15.10 — Мусиқали кўрсатув. 17.55 — Тошкент. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. 18.40 — Ахборот. 19.00 — Москва. Футбол: СССР — ВЕНГРИЯ (ёзиб олинган, 2- тайм). 19.45 — Жасорат. 20.15 — Тошкент. 20.30 — Илмий-техника тараққиёти учун. 21.00 — Рақслар гулдастаси. **Юлдуз Исматова.** 21.30 — Меҳнатга шон-шарафлар. 22.00 — «Вақт» 22.30 — Қардош халқлар адабиёти. **Содиқ Нуримбетов.** 23.10 — Телефильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.20 — Москва. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — Болалар учун кўрсатув. 19.00 — Тошкент «Гулхан» журнали саҳифаларида. 19.20 — Йўли олис, дили яқин Куба. 19.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 20.15 — **Қадрдоним** (бадиий фильм). 22.00 — Эстрада концерти. 22.30 — Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент. **Иристон ўғлони** (бадиий фильм). 21.25 — **Сирано ҳақида қисса** (телеспектакль).

16 ИЮНЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — Москва. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Эртаклар оламига саёҳат. 13.15 — Бадиий фильм. 14.25 — Эфирда «Молодость». 15.00 — Эстрада концерти. 17.55 — Тошкент. 18.00 — Фильм-концерт. 18.55 — Ахборот. 19.30 — Халқ контроли экрани. 20.00—Телетомошабинларнинг саволларига «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси **Ю. А. Жуков** жавоб беради. (Москва). 20.30 — Ахборот. 20.55 — Қардош халқлар адабиёти. **Расул Ҳамзатовнинг** ижодий портрети. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ташаббусга кенг йўл. 23.00 — Телефильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.20 — Москва. 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — **Нина ва Ивo** (телефильмнинг 1-2-сериялари). 19.00 — **Ҳайвон ўргатувчилар** (илмий-оммабоп фильм) 19.10 — Санъат усталари концерти. 20.00 — Тошкент. Эстрада концерти. 20.20 — Врач маслаҳати. 20.30 — **Гиппократнинг қасами** (бадиий фильм). 22.00 — **Ф. Зиёдуллаев** куйлайди. 22.30 — Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ КЎРСАТУВЛАРИ.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Тожикистон санъат усталари микрафон олдида. 9.30 — Москва. «Ер ва ой» радиожурнали. 10.25 — «Гулшан» тожик эстрада оркестрининг концерти. 11.15 — «Ягона қардош оилада». Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси **М. Холов** суҳбати. 11.30 — **А. Ленский.** «Дилбар» балетидан сюита. 12.15 — Ўзбекистоннинг зарбдор қурилишларида. 12.25 — Қурувчилар учун концерт. 12.30 — Совет композиторларининг оммабоп қўшиқлари. 14.00 — «Ленин номли колхозда». Тожикистон радиосининг эшиттириши. 16.10 — Я. Сабзанов куйлари. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Исламей» ва «Тамара» (Музикали ҳикоялар). 18.00 — Тожикистонда тайёрланган. 18.10 — Тожик халқ қўшиқлари. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 21.45 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 22.15 — Ўзбек композиторларининг асарлари. 22.40 — Тожик ёзувчиларининг ҳикоялари. 23.10 — Мақом кечаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Новосибирск давлат академик опера ва балет катта театрининг гастроллари — Тинч Дон.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қишки Англия — «САНЪАТ САРОЙИ», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», ҲАМЗА номли, «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «СПУТНИК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Запасдаги офицерлар — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Ғалати кун — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Уч мушкетёр — «ФЕСТИВАЛЬ».

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «ХИВА».

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: даволаш факультети акушерлик-гинекологияси, санитария-гигиена ва стоматология факультетлари акушерлик-гинекологияси, ортопедия ва травматология билан ҳарбий-дала хирургияси, эпидемиология, даволаш факультетининг болалар касалликлари, психиатрия, юқумли касалликлар, фармакология, коммунал гигиена, стоматология факультетининг ички касалликлар, санитария-гигиена факультетининг умумий хирургия, санитария-гигиена факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси, органик ва физика — коллоид химияси, неорганик ва аналитик химия (фан докторлари, профессорлар), даволаш жисмоний тарбияси билан физиотерапия (медицина фанлари доктори, доцент);

кафедра профессорлари: санитария-гигиена факультетининг ичак касалликлар пропедевтикаси, тери-таносил касалликлари, микробиология, хирургия стоматологияси, даволаш факультети эндокринология курси бўйича госпитал терапияси (фан докторлари, профессорлар);

тиллар кафедрасига (инглиз тили) катта ўқитувчи;

тўқималарнинг сиғиммаслиги лабораториясига катта илмий ходим.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент-33, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1972—1973 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича I ва II курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

метеорология, гидрология, агрометеорология, аэрология.

Биринчи курсга тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганлар, иккинчи курсга — ўрта мактабни тугатганлар қабул қилинади.

Иккинчи курсга кирувчилар рус тилидан (иншо), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Биринчи курсга кирувчилар — рус тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Аризалар: биринчи курсга кирувчилардан — 31 июлгача, иккинчи курсга кирувчилардан — 15 августгача қабул қилинади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент 700019, Турқўрғон кўчаси, 45-уй, телефон 48-07-21.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: композиция, асбоблаш (профессор ёки доцентлар).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Конкурсдан ўтганларга квартира берилади. Ишга қабул қилинганлиги учун меҳнат ҳақидаги қонун кодекси асосида ҳақ тўланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700000, Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй, телефонлари: 33-52-74, 33-67-70, 33-82-06.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ АПТЕКАЛАР БОШ БОШҚАРМАСИГА

(1-Қорасарой проезд, № 1 «а») катта ревизор-бухгалтерлар, катта экономистлар, машинистка-лар, бухгалтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП, ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330,683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 55—35, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 139. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01533.